
“СПОРТНИ СЕВ, СПОРТ БИЛАН ЯША”

Данғара туманида “Наврӯз” умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш ва “Спортни сев, спорт билан яша” шиори остида “Футбол ойлиги” доирасида 1-секторда жойлашган күп тармоқли техникүм спорт майдонида туман спорт бўлими ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда мини футбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Мазкур мусобақада тумандаги 1-сектор худудида жойлашган МФЙларда истиқомат қилувчи ўсмиirlардан иборат терма жамоалар иштирок этди.

Мусобақа якунларига кўра, 1-ўрин “Катта Турк”, 2-ўрин “Оқжар” ва 3-ўрин “Капасарой” МФЙларига насиб этди. Мусобақа ғолиблари туман спорт бўлими ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан эсадалик дипломлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-03-16 09:35:58